O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
PISKENT TUMANI
HOKİMI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ПИСКЕНТ ТУМАНИ
ҲОКИМИ

# QAROR
# РЕШЕНИЕ

Пискент т. 201 -сон «05» февраль 2019 йил

## Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 6 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, асбоб-ускуналарни ҳисобга олиш ва уларнинг техник ҳолатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 345-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й, 50-сон, 559-модда) ва Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 17-сон, 229-модда) ижросини таъминлаш, тумандаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникани, шунингдек машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб

## ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар (туман Мудофаа бўлими, туман Ички ишлар бўлими, туман Миллий хавфсизлик хизматидаги ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлмаган техникалар бундан мустасно) қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2019 йилда йиллик техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман ишчи гуруҳи таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тумандаги мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларидаги қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техника, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик техник кўрикдан ўтказиш режаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, машина-трактор парклари, устахоналар ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини йиллик

техник кўрикдан ўтказиш жорий йилнинг 1 августига қадар якунланиши белгилансин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш ва техник кўрикдан ўтказиш учун пул йиғимларининг белгиланган тартибда ундирилишини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш Инспекциясининг туман бўлими (А.Юнусов) зиммасига юклатилсин.

5. Туман ҳокимининг 2018 йил 6 февралдаги "Қишлоқ хўжалиги ва мелиоратив техникаларини, машина-трактор парклари, устахона ва сервис пунктларининг асбоб-ускуналарини 2018 йил учун мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида"ги 170-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарор "Пискент ҳаёти" рўзномасида эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлиги расмий веб сайтига жойлаштирилсин.

7. Қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Х.Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги агросаноат мажмуи ва озиқ овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш Инспекциясининг туман бўлими бошлиғи А.Юнусов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **Ш.Аҳмедов**